

Ethical Problems of Transplantology

Фуломова М.Қ.,

Худойбергенова П.Т.

TDSI. Department of Social Sciences, Ph.D

Abstract

Transplantology is one of the most promising fields of medical science and practice, combining the latest achievements of modern surgery, resuscitation, anesthesiology, immunology, pharmacology and other medical and biological sciences, and relies on a set of advanced medical technologies. Transplantology's rise to the level of "physical" management of human death is not a specific, private medical issue, but rather a socio-cultural problem.

Keywords : Transplantology, surgery, reanimatology, anesthesiology, immunology, , reanimatology, anesthesiology, immunology.

Introduction :

Тиббиёт тарихчилари илмий трансплантация XIX асрда бошланганини таъкидлайдилар. Трансплантация муаммоларига оид илк тадқиқотларни тарихчилар италян доктори Г.Баронио ва немис врачлари Ф.Райзиндер билан боғлайдилар. Н.И.Пироговнинг суяк-пластик жарроҳлигини яратиш борасидаги фаолиятига, П.Бертнинг (1865) «Хайвонларнинг тўқималарини трансплантация қилиш» мавзусидаги диссертациясига алоҳида эътибор берилди.

Россиялик олим Владимир Петрович Демихов ҳаёт учун муҳим органлар, хусусан юракни кўчириб ўтказиш асосчиси ҳисобланади. У 1951 йил жаҳонда биринчи марта донор юрагини итга кўчириб ўтказган. Тирик донордан буйракни биринчи марта муваффақиятли кўчириб ўтказишни 1965 йил академик Б.В.Петровский амалга оширди. Кейинги йили у ўликдан буйракни муваффақиятли кўчириб ўтказди. 60-йиллар бошигача трансплантология амалда экспериментал жарроҳлик тармоғи бўлиб, жамоатчиликнинг алоҳида эътиборини ўзига тортмай келди.

1967 йил хирург Кристиан Барнард (ЖАР) Демихов кўлида стажировкани ўтагач, жаҳонда биринчи бўлиб инсон юрагини муваффақиятли кўчириб ўтказди. Унинг пациенти операциядан кейин бир йилдан кўпроқ яшади. Россияда бундай операцияни биринчи бўлиб машҳур хирург, академик В.И.Шумаков ўтказди. У 1974 йилдан бери РФ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Трансплантология ва сунъий органлар илмий-тадқиқот институтини бошқариб келади.

Трансплантология буйракни кўчириб ўтказишдан бошланган бўлса, бугунги кунда трансплантолог врачлар ҳаёт учун муҳим органларнинг барчаси, чунончи:

юрак, жигар, ўпка, ошқозон ости безини алмаштиришга қодирлар. Илгари рад этиш реакцияси натижасида пациентлар операциядан кейин бир неча ҳафта ёки ой ўтгач вафот этган ва бу трансплантология йўлидаги ўтиб бўлмас тўсиқ бўлиб туюлган бўлса, бугунги кунда бутун жаҳон медикларининг саъй-шаракатлари билан рад этиш реакциясини енгишга муваффақ бўлинмоқда. Рад этиш реакциясини жиддий ножўя таъсирсиз нейтраллаштирувчи янги-янги препаратлар пайдо бўлаётир. Бу нафақат органларни, балки айрим тўқималар ва айрим ҳужайраларни, хусусан, одам ёки ҳайвоннинг ошқозон ости беги ҳужайраларини (қанд касалига йўлиққан беморларга) кўчириб ўтказиш имконини бермоқда.

Юракнинг одамдан одамга кўчириб ўтказилиши жамоатчилик ўртасида катта мунозарага сабаб бўлди. Бир томондан, инсоният олдида илгари бедаво деб саналган касалликка йўлиққан беморларни даволашнинг янги, ўта истиқболли имконияти пайдо бўлди. Бошқа томондан, ечимини топиш учун тиббиёт, ҳуқуқ, ахлоқ, дин, психология ва бошқа фанлар соҳасидаги мутахассислар куч-ғайратини бирлаштиришини тақозо этувчи ҳуқуқий ва ахлоқий муаммолар туғилди. Боз устига, мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ёндашувлар ва тавсиялар жамоатчилик томонидан эътироф этилмагунча юқорида зикр этилган муаммолар ечилган деб ҳисобланиши мумкин эмас. Совет Иттифоқида органлар ва тўқималарни кўчириб ўтказиш борасидаги фаолият маҳкамавий йўл - Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ ва йўриқномалари билан тартибга солинар эди.

Кўчириб ўтказиш учун органлар манбаи сифатида мурдадан фойдаланиш бир қанча мураккаб ахлоқий муаммоларни келтириб чиқаради. Жаҳондаги барча динлар ўлган одам танасига шикаст етказишни тақиқлайди, уни авайлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлишни буюради. Дунёвий, секуляр нуктаи назардан инсон ўлими унинг ўз танасига бўлган ҳуқуқини бекор қилмайди. Васиятнома ўз хоҳиш-иродасини ифодалашнинг алоҳида шакли бўлиб, у инсон ҳаётини ўлимдан ажратувчи чегарадан ўтади. Марҳумнинг танасини ҳар қандай таҳқирлаш унинг хотирасига ҳурматсизлик сифатида қораланади. Бошқача айтганда, ўлик тана диний онг учун ҳам, дунёвий онг учун ҳам алоҳида ахлоқий мақомга эга бўлади ва у билан муносабатда бўлишни тартибга солувчи муайян нормаларни назарда тутади.

Ўзбекистонда патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш ва одамнинг ўлган вақтини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади (Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонуннинг 40-моддаси).

Аксарият мутахассислар малакали тиббий ёрдам олиш ва яшаш ҳуқуқи ҳар кимга тенг даражада тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқидир, шу боис бу борада камситишнинг ҳар қандай шакллариға барҳам берилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ЎзР Конституциясида малакали тиббий хизматдан фойдаланиш *ҳар бир* фуқаронинг узвий ҳуқуқи эканлиги қайд этилган (**40-модда**).

Айни вақтда, трансплантация соҳасида фуқаролар тенг ҳуқуқлилигининг ашаддий тарафдорлари ҳам тақсимлашнинг тақлиф этилган механизмлари ва мезонларининг универсаллигини тавсифлашда яқдил эмаслар. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида реципиентлар ёшига муайян чеклашлар мавжуд. Баъзан органларни кўчириб ўтказиш дастурларига нонормал турмуш тарзи натижасида соғлиғини йўқотган одамлар - гиёҳвандлар, пиёнисталар ва ҳоказоларни жалб қилишни чеклаш ахлоқий жиҳатдан ўринли деб ҳисобланади. **Маълумотларга кўра, бугун Ўзбекистонда ўн минглаб беморнинг орган ва тўқималар трансплантациясига эҳтиёжи бор. Хусусан, буйрак трансплантациясига 3 минггача, жигар трансплантациясига 2 минггача, юрак трансплантациясига 700-1000 гача, ўпка трансплантациясига 500 гача бемор муҳтож.**

Органлар трансплантацияси бу турдаги беморлар ҳаётини сақлаб қолишнинг ягона имкониятидир. Сир эмас, айрим беморлар чет давлатларга бориб, 15 минг АҚШ долларидан 250 минг АҚШ долларигача бўлган нархларда ана шундай жарроҳлик амалиётини ўтказишга мажбур бўлмоқда. Табиийки, барча бемор ҳам бундай катта маблағга эга эмас.

Ўзбекистонда 1972 йилдан бошлаб трансплантология амалиёти йўлга қўйилган. Хусусан, Буйрак трансплантацияси марказида мазкур органни кўчириб ўтказиш бўйича 300 дан ортиқ операция муваффақиятли амалга оширилган. 2003 йилда эса Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори билан фақат яқин қариндошлардан буйрак кўчириб ўтказишга рухсат берилган. Аммо Адлия вазирлигининг тегишли текширувларидан сўнг бу борадаги меъёрлар талаблари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, рад этилган. Юртимизда инсон органлари трансплантацияси ҳақида қонунчилик асослари мавжуд эмас. Шу туфайли трансплантология клиник фан сифатида тўхтатилган. Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилдаги “Яқин қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан фақат буйрак ва жигар трансплантациясига рухсат этилган. Унга мувофиқ, трансплантация фақат давлат тиббиёт ташкилотлари – академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, Тошкент шаҳар нефрология шифохонасида ўтказилади. Ҳозирги вақтга қадар 250 дан ортиқ беморда буйрак, 4 беморда эса жигар кўчириб ўтказиш операцияси амалга оширилди. Лекин бу кам. Чунки трансплантацияга эҳтиёжмандлар сони ортиб борапти. Афсуски,

буйрак етишмовчилиги билан оғриган беморларнинг аксарияти 30 ёшгача бўлган даврда ҳаётдан кўз юммоқда.

Ўзбекистон Республикасида трансплантологияга 2017 йил конун қабул қилинган бўлса, охириги 2 йилда Ўзбекистонда 300 ортик буйрак ва жигарнинг қучириб утказишда катта мувафакиятларни қулга киритганлиги ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маълумот беради.

Адабиётлар

1. Gapparovna, Sattorova Dildor, and Xudaybergenova Patma Toshpulatovna. "IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 9.10 (2021): 138-141.
2. Mirziyoyev Sh.M. buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. T.O'zbekiston 2017
3. Khudoibergenova PT .THE IMPORTANCE OF THE NATIONAL LANGUAGE IN THE ERA OF GLOBALIZATION. Assoc. Prof., Department of Social Sciences, TSI. *Central Asian Journal of Innovations and Researc*
4. Khudaybergenova, P. T. "UZBEKISTAN: ETHNO CULTURAL IDENTITY AND TOLERANCE UNDER CONDITIONS OF GLOBALIZATION." *Социосфера* 4-2 (2013): 52-54.
5. Умарова, Дилорам Арифовна, and Патма Ташпулатовна Худайберженова. "РОЛЬ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ ГУМАНИЗАЦИИ МЕДИЦИНЫ." *Гуманитарный трактат* 97 (2020): 25-28.
6. Мухамедова, З. М., et al. "ЦЕННОСТНЫЕ ЗНАЧЕНИЯ СЕМИНАРОВ-ТРЕНИНГОВ, ПРОВОДИМЫХ НА ЭТАПЕ ДО ДИПЛОМНОЙ И ПОСТДИПЛОМНОЙ БИОЭТИЧЕСКОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ СТУДЕНТАМИ СТОМАТОЛОГАМИ ТГСИ В КОНТЕКСТЕ РЕФОРМИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ Резюме." «ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ЖӘНЕ СЕРІКТЕС ЕЛДЕРДІҢ ЖООЛАРЫНДА СТОМАТОЛОГИЯЛЫҚ БІЛІМ БЕРУДІ ДАМУДЫҢ ЖАҒДАЙЫ МЕН КЕЛЕШЕГІ» ТАҚЫРЫБЫНДАҒЫ ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ҒЫЛЫМИ-ТӘЖІРИБЕЛІК КОНФЕРЕНЦИЯСЫНЫҢ МАТЕРИАЛДАРЫ: 15.